

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND TECHNICAL ON-LINE CONFERENCE



PROBLEMS AND PROSPECTS OF INNOVATIVE TECHNOLOGY AND TECHNOLOGIES IN THE FIELD OF ENVIRONMENTAL PROTECTION

PROCEEDINGS OF THE CONFERENCE

PART-II



**TASHKENT
2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИННОВАЦИОН ТЕХНИКА ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АТРОФ
МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ
МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

мавзусидаги халқаро илмий-техник анжумани

ИЛМИЙ ИШЛАР ТЎПЛАМИ



**17-19 сентябрь, 2020 йил
Тошкент**

Инновацион техника ва технологияларнинг атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги муаммо ва истиқболлари. // Халқаро илмий-техник on-line анжуман илмий ишлар тўплами. - Тошкент. ТошДТУ, 2020.- 468

Халқаро илмий-техник on-line анжуман хорижий ва республикамизнинг етук олим ва мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва иқтидорли талабалар ҳамда магистрантларнинг инновацион техника ва технологияларнинг атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги муаммоларига бағишиланган илмий-тадқиқот ишларини муҳокама қилиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Ушбу тўпламга анжумандан иштирок этган хорижий ва республикамизнинг етук олим ва мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар ва иқтидорли талабалар ҳамда магистрантларнинг саноат экологияси, экологик таълим, кимё ва кимёвий технология, технологик жараёнларни математик моделлаштириш ва автоматлаштириш, энергия тежамкор техника ва технологиялар ҳамда мұқобил энергия манбалари, нефт ва газ саноати, фавқулодда ҳолатлар каби йўналишлардаги илмий-тадқиқот ишлари натижалари ва уларнинг атроф муҳитига таъсирини акс эттирган мақолалар жамланган. Халқаро илмий-техник анжуман материаллари профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳасидаги мутахассисларга ҳам фойдали манба сифатида хизмат қиласди.

Маъсуллар:

т.ф.д., доц. Рахимова Л.С.

PhD, доц. Аюбова И.Х.

PhD, проф. Михай Корхес Теопент

ТАШКИЛИЙ ҚҮМИТА:

Раис: Турабджанов С.М. – т.ф.д., проф. Тошкент давлат техника университети ректори (Ўзбекистон)

Ҳамраис: Реймов А.М. – т.ф.д., проф. Қорақалпоқ давлат университети (Ўзбекистон)

Раис ўринbosарлари:

Нематов Ш.К. – ф.м.ф.д., ТошДТУ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори (Ўзбекистон)

Рахимова Л.С. – т.ф.д., доцент, ТошДТУ “Экология ва атроф мухит муҳофазаси” кафедраси мудири (Ўзбекистон)

Аюбова И.Х. – п.ф.ф.д., PhD, “Экология ва атроф мухит муҳофазаси” кафедраси доценти, илмий котиба (Ўзбекистон)

Куатбекова Р.А. – тиб.ф.д., проф., академик, А.Куатбеков номидаги Қозоғистон муҳандислик-педагогика Халқлар дўстлиги университети ректори (Қозоғистон)

Алиханов Б.Б. – и.ф.н., Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон экологик партияси марказий кенгаши ижроя қўмитаси раиси (Ўзбекистон)

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

акад. Юсупбеков Н.Р. (Ўзбекистон), акад. Аллаев Қ.Р. (Ўзбекистон), Алиханов Б.Б. (Ўзбекистон), проф. Шодиметов Ю.Ш. (Ўзбекистон), проф. Мусаев М.Н. (Ўзбекистон), проф. Ихтиярова Г.А. (Ўзбекистон), проф. Махкамова М.А. (Ўзбекистон), проф. Юсупбеков А.Н. (Ўзбекистон), доц. Рахимова Л.С. (Ўзбекистон), доц. Аюбова И.Х. (Ўзбекистон), (PhD) проф. Karsten Heinz, (PhD) Corches Mihai Teopent (Руминия), проф. Кедельбаев Б.Ш. (Қозоғистон), (PhD) C.T. Aravindakumar (Ҳиндистон), (PhD) Ammar Younas (Покистон), доц. Тимофеева Е.А. (Россия), проф. Мамбетуллаева С.М. (Ўзбекистон).

ТАҚРИЗЧИЛАР:

доц. Рахимова Л.С. (Ўзбекистон), доц. Аюбова И.Х. (Ўзбекистон), проф. Мусаев М.Н. (Ўзбекистон), проф. Ихтиярова Г.А. (Ўзбекистон), проф. Махкамова М.А. (Ўзбекистон), проф. Юсупбеков А.Н. (Ўзбекистон), доц. Хабибуллаев С.Ш. (Ўзбекистон), Usha Kulangara (Ҳиндистон), проф. Ташкараев Р.А. (Қозоғистон), доц. Тимофеева Е.А. (Россия), (PhD) Nabila Sulayman (Малайзия), (PhD) Marco Ritzkowski (Германия), (PhD) Изтлеуов Г.М. (Қозоғистон).

Ташкилий қўмита котиблари:

Арипова М.М.

Каримбердиев Ф.Ш.

ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ СОҲАСИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ

к.ф.н., доцент. Г.А. Худойназарова,

асс. Б.Ш. Ганиев,

Бухоро давлат университети

XXI асрда юз берган иқлим ўзгаришлари инсоният тарихидаги энг улкан хатарга айланмоқда. Унинг салбий оқибатлари ўрмон, чўл, кичик ороллардан тортиб йирик мамлакатлар умуман олганда, бутун сайёрамизда кузатилмоқда. Бу ўзгаришлар эса башарият учун йирик йўқотишлар, жумладан катта молиявий заарларга сабаб бўлмоқда. Она табиат, ундаги флора ва фауна дунёси ҳақида гап кетар экан, глобал экологик муаммоларни киши ҳаёлини банд этмай қолмайди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, мамлакатимиздаги табиий ресурслардан миллий бойлигимиз сифатида фойдалана олиш имконияти туғилгач, уларга бўлган муносабат ўзгарди. Республикализ фуқароларининг экологик онги ва маданиятини ривожлантириш, атроф-муҳитимиз муҳофазаси муаммоларини бартараф этиш, экологик назоратни кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамкорона ва оқилона фойдаланиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни ишлаб чиқариш корхоналарида кенг жорий этиш каби масалалар энг муҳим ва ўз ечимини кутаётган умумдавлат вазифаларига киради. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг бойликларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ишига барча жабҳада катта эътибор қаратилмоқда. Бу аҳамиятли масалани муҳокама қилишда ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий омиллар билан бирга унинг маънавий, ахлоқий-тарбиявий томонларига ҳам кенг аҳамият берилмоқда. Чунки инсоннинг маънавий ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Инсон ўзининг табиат билан чамбарчас боғлиқлигини, ўз эҳтиёжларини, асосан, табиат орқали

қондиришини, шунинг учун уни асраб-авайлаши лозимлигини ҳис қиласагина экологик тарбия мақсади амалга ошган ҳисобланади. Агар инсонда шу ҳис-кечинма, тушунча уйғонмаган бўлса, бу маънавий бўшлиқ уни ҳалокат сари элтади. Шуни ҳисобга олиб, жамиятдаги кишилар ўртасида экологик таълим-тарбияни, экологик онг ва маданиятни шакллантириш ҳамиша долзарб вазифа сифатида қаралиб келинган. Хусусан, ёш авлодга экологик таълим-тарбия бериш ишини доимий, узлуксиз олиб бориш зарурдир.

Экологик тарбия шахсда ватанпарварлик тарбиясини янада мустаҳкамлайди. У орқали талабаларда она юрт табиатига чексиз меҳр-муҳабbat ва унинг гўзалликларидан, бойликларидан фахрланиш ҳисси ортади. Табиат бойликларини сақлаш, кўпайтиришга ўргатиш эса талабаларнинг ижтимоий мулкни тежаш, асраб-авайлаш малакасини ҳосил қиласади.

Айниқса, хозирги кунда талабаларнинг экологик маданиятини шакллантириш таълим-тарбия муассасалари олдида турган асосий масаладир. Бу ишни хар бир фанни, жумладан, юқори молекуляр бирикмалар кимёси фанини ўқитиши жараёнида хам амалга ошириш мумкин. Кимё фани у ёки бу модданинг атмосферада, сувда, тупроқда, инсон танасида ўзини қандай тутишини тушунтириб беради. Кимёвий билимлар табиат муҳофазаси, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан таъсир кўрсатиши ҳақидаги билимларнинг ажралмас қисмидир. Кимё борлиқдаги тирик ва тирик бўлмаган табиатни узвий боғловчи ҳисобланади. Маълумки, юқори молекулали бирикмалар кимёсини ўқитишда ҳам, хар бир мавзуга доир экологик таянч тушунчалар билан талабалар қуроллантирилиши лозим. Бу борада юқори молекулали бирикмалар кимёси фанини ўқитишда ишлаб чиқаришдаги саноат чиқиндилари ва уларнинг экологик таъсири тўғрисида маълумотлар берилади. Турли хил юқори молекулали бирикмалар ишлаб чиқаришда атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар, чиқадиган захарли моддалар ва уларнинг салбий таъсири ҳақидаги маълумотларни

талабаларга етказишида қуидаги статистик маълумотлар келтирилиши ўзининг ижобий самарасини беради.

Вискоза ипагидан 1 тонна ишлаб чиқаришида атмосферага 27,5 кг углерод сульфид, 3 кг водород сульфид, шунингдек, 1 тонна нейлон толаси ишлаб чиқаришида 3,5 кг углеводородлар аралашмаси, 7,5 кг турли хил ёг биримлари буғлари ажралиб чиқади. Шунингдек, юқори молекулали биримлар олишида полимерланиш ва поликонденсатланиш жараёнида атмосферага феноллар, аминлар, пластифиқаторлар, дитиокарбоматлар, изопрен, стирол, бутадиен, хлоропрен, тиурем, тиазол, эфирлар, органик сульфидлар ажралиб чиқиши ва унинг салбий оқибатлари хақидаги билимлар билан бойитилиши зарур. Бу захарлар ва чиқиндиларни экологик таъсирини ўргатиш жараёнида унинг олдини олиш учун халқ хўжалигида чиқиндисиз технологияларни кўллаш лозимлиги талабаларга уқтирилади. Бунинг учун чиқиндисиз технология нима? Чиқиндисиз технологиянинг афзалликлари нимадан иборат? Кимё саноатида чиқиндисиз технологияни кўллаш мумкинми, агар кўллашнинг иложи бўлса қайси жабҳаларда қўлланилади? каби саволларга жавоб бериш орқали, юқори молекулали биримларни олиш ва ишлатиш жараёнида кўллаш усуллари хақида фикр юритилади. Бунда табиатни асраш, табиат гўзалликларини севиш, табиатга нисбатан меҳр-мухаббатли бўлиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш каби ғояларни талабалар онига сингдириб бориш, уларнинг экологик маданиятининг шаклланишида, тарбиясида камол топишида, пиравард натижада, табиатни муҳофаза қилиш хақида билим, кўникма ва малакалар ҳосил бўлишида, шубҳасиз, катта ёрдам беради. Шу билан бир қаторда талабаларга экологик тушунча бериш орқали давлатимизнинг олиб бораётган таълим ислохотларини таълим масканларида самарали ташкил этиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларга экологик таълим – тарбия бериш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳам назарий ҳам амалий билимларини бойитади.

| | |
|---|------------|
| У.А.Нуруллаев. Атроф мұхитни мұхофаза қилиш ва экологик вазият... | 438 |
| С.Г.Жуманова, З.М.Саттаров. Маркетинговый механизм управления охраной окружающей среды..... | 440 |
| Б.З.Мурадов, С.Г.Жуманова, У.Р.Панжиев. Системный анализ и управление в экологии..... | 442 |
| Х.К.Ишмуратов, К.Х.Ишмуратова. «Зеленая» экономика и перспективы ее развития..... | 444 |
| А.А.Тайлаков, Г.Х.Худойбердиева. Оценка качественных и количественных параметров водных ресурсов системы Айдар Арнасайских озер..... | 446 |
| С.С.Буриев, М.А.Сафаев, А.Н.Мусаев. Получение оскида марганца из низкосортной рудной массы при очистке газовых выбросов от оксидов серы..... | 450 |
| И.Рузиева, М.М.Сафаев. Катализитические системы для облагораживание углеводородных фракций..... | 452 |
| М.А.Сафаев, С.С.Буриев, Ш.Э.Камилов, М.М.Махамеджанов. Комплексная переработка изношенных автомобильных шин различного масштаба..... | 454 |
| А.М.Ismatov, S.A.Mavlanova. Inson hayot faoliyati xavfsizligi uchun qo'llalinadigan iqtisodiy jihatlar..... | 456 |
| И.А.Туйназарова. Влияние химических препаратов на природную среду и уменьшение их отрицательного воздействия..... | 457 |
| Д.Т.Урманова. Ер қаъридан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий-экологик механизmlари..... | 461 |
| Г.А.Худойназарова, Б.Ш. Ганиев. Таълим - тарбия соҳасида экологик маданият | 463 |
| М.А.Махкамова. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида ёқилғи-энергетик мажмуасини иқтисодий-экологик ривожлантириш йўллари..... | 466 |
| Г.З.Шагаипова. Экологик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари..... | 470 |